



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI  
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O‘ZGARISHI VAZIRLIGI  
DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI MARKAZI  
TOSHKENT SHAHAR FILIALI**

Manzil: 100170 Toshkent shahar, Mirzo-Ulug‘bek tumani, Sayram 5-tor ko‘chasi  
15-uy, Tel: 71-203-01-03

**DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI  
XULOSASI**

**TARTIB RAQAM 01-02/14-3526**

**HUJJAT TURI** Atrof-muhitga ta'sir to'g'risidagi ariza loyihasi

**Davlat ekologik ekspertizasi buyurtmachisi: RESPECTABLE UNITED SERVICE  
MCHJga berildi.**

**STIR: 302152933**

**Obyekt nomi:** Toshkent shahri, Chilonzor tumani, “Kўrakam” МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 7а-уй худудида  
“RESPECTABLE UNITED SERVICE” масъулияти чекланган жамияти томонидан маданият ва истироҳат боғини ташкил  
этиш учун ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳаси

**Loyihalarini ishlab chiquvchi nomi: RESPECTABLE UNITED SERVICE MCHJ**

**STIR: 302152933**

**Davlat ekologik ekspertizasi mas’ul eksperti: DAYANOVA YULDUZ MUSTAFAYEVNA**

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-sentabrdagi 541-son qarori bilan  
tasdiqlangan 1-ilovaga muvofiq, ushbu davlat ekologik ekspertizasi obyekti atrof-muhitga ta’sir ko’rsatishning  
III toifa toifasining 52–bandiga mansub.

O‘tkazilgan davlat ekologik ekspertizasi natijasi: **Ijobiy xulosa**

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasi: **Ilovasiz huquqiy hujjat hisoblanmaydi**

**Berilgan sana: 27.12.2024**

**Amal qilish muddati: 27.12.2027**

*Ekologik ekspertiza obyektining ekologik talablarga muvofiqligi, joylashuv nuqtalari koordinatalari, atrof-muhitni muhofaza qilish chora-tadbirlari, bajarilishi shart bo‘lgan talablar va boshqalar to‘g‘risida ilovada keltirilgan O‘zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining Davlat ekologik ekspertiza markazi va filiallarining ekspert xulosasi ushbu davlat ekologik ekspertizasi xulosasining ajralmas qismi hamda unda belgilangan talablar bajarilishi shart hisoblanadi.*

*Izoh: Buyurtmachi tomonidan davlat ekologik ekspertizasi xulosasida nazarda tutilgan ekologik talablarga rioya etilmaganda, davlat ekologik ekspertizasi xulosasi qonunchilikda belgilangan tartibda bekor qilinadi.*

Direktor



Sh.Muminov

## Davlat ekologik ekspertisasi natijalari bo'yicha Ekspert xulosasi talablari

“RESPECTABLE UNITED SERVICE” mas'uliyati cheklangan jamiyati rahbari quyidagilarni ўz vaqtida ta'minlashi lozim:

- mazkur objektning tashkil etish davrida va uning keyingi ish faoliyatida objekt hududida va atrofiga mavjud бўлган daraxtlar va butalarga shikast etkazish, ularni qurib qolishi holatiga olib kelib, ўzboшимчалик bilan kesish ёки bosqa joyga kўchirib ўtkazish katiyanan man etiladi;

- “Yashil makon” va “Yashil belbog” umummilliy dasturiga muvofiq objekt hududida obodonlashtirish ishlarini amalga oshirish va shu hudud iklimiga moslashtirilgan daraxt va butalarni korxonada maydonning 25 foizdan kam bo'lmagan qismida ekish (2023 yil 23 noyabrda PF-199);

- Ўzbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublikada kўkalamzorlashtirish ishlarini jadallashtirish, daraxtlar muhofazasini yanada samarali tashkil etish chora-tadbirlari tўg'risida” 2021 yil 30 dekabrda PF-46-sonli Farmonida kўrsatilgan talablarga amal qilish;

- suvni hisobini yuritish maqsadida suv tarmoqlarini hisoblagich (vodoмер) bilan jikhozlash shart;

- ichimlik suvini asrab avaylash, tezhash va isrof qilmaslik maqsadida xovuzlar faoliyatida hosil bo'ladigan oqova suvlarini tozalab, sanitariya me'yrlari talablarigacha keltilirilgan holda qayta ishlatish chora tadbirlarini qullash;

- keyingi bosqichda, objektga aniqlashtirilgan chiqindilar va tashlamalar miqdori nomenklaturasini hisobga olgan holda, atrof-muhitga ta'sir kўrsatishning yunlovchi bosqichi “Ekologik oqibatlar tўg'risidagi ba'noti”ni ishlab chiqish va qonun hujjatlarida belgilangan tartibda davlat ekologik ekspertizasiga taqdim etish;

- atrof-muhitga ta'sirini baholashni loyihalashtirishning keyingi bosqichi ekologik oqibatlar tўg'risidagi ba'notida bajarilgan loyihaviy echimlar va davlat ekologik ekspertisasi xulosasining talablari bajarilganligi tўg'risidagi Toshkent shahar Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iklim ўzgarishi bosqarmasining

**инспекцияси иштирокида объект жойлашган жойнинг текшириш далолатномасини тақдим этиш;**

**- режалаштирилаётган фаолиятни ташкил этиш даврида амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари талаблари бажарилиши шарт;**

**- ташкилий ишларни бошлашдан олдин, тегишли ташкилотларнинг хулосалари ва техник шартлари олинishi шарт;**

**- лойihalанаётган худудда барча муҳандислик коммуникация тизимлари (ичимлик ва оқава сув, табиий газ, электр тармоқлари ва бошқалар) мутасадди корхоналарнинг рухсатномалари (техник шарт) асосида уланиши лозим;**

**- объектни ташкил этиш даврида ер ости ва ер усти коммуникация тизимлари ҳимоя майдонини сақлаш буюртмачига юклатилади;**

**- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги 787-сонли “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги низомга мувофиқ тасдиқланган “Санитария жихатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари”га асосан ишларни ташкил этиш;**

**- маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун махсус пунктларни ташкил этиш (стандарт бўйича), уларнинг хили бўйича алоҳида идишларда йиғилишини таъминлаш ва уларни олиб чиқиш бўйича ихтисослашган санитария компаниялари билан шартнома тузиш;**

**- объектда ўрнатилган ускуналар ва шамоллатиш тизимларининг ишлаш самарадорлигини текшириш учун мунтазам равишда профилактик-текширув ишларни бажариш ва аниқланган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш;**

**- чанг чиқарадиган ускуналарни мумкин қадар герметизациялаш ва барча чанг пайдо бўлиш жойларида махсус паналашни амалга ошириш;**

**- чиқиндиларнинг хавфсиз шарт-шароитда тўпланиши, сақлаш майдонида экологик нормадан ошиқ жойлаштирилмаслиги, ўз вақтида утилизация қилинишини доимий назоратда тутиш;**

**- захарли (токсик) ва захарли бўлмаган чиқиндилар ҳисобини юритиш ва белгилаган тартибда давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш;**

**- чиқиндиларни хавфлилик даражаси ва турига қараб ажратган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлашга мўлжалланган махсус пункт (МСП) ташкил этиш ҳамда қаттиқ қопламали майдончаларда зарур миқдордаги қопқоқли контейнерлар ўрнатиш;**

- қайта тикланадиган энергия манбаларини ва ресурс тежамкор технология ва ускуналардан фойдаланиш;

- санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхона билан тузилган шартномага биноан маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилишини таъминлаш;

- чиқиндилар миқдорини камайтиришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда тадбиқ этиш;

- оқава сувларни очиқ сув ҳавзалари, ирригация тармоқлари ва рельефга ташлаш қатъиян ман этилади;

- объект фаолияти давомида ҳосил бўлувчи оқава сувларнинг канализация тармоғига оқизилишидан аввал ёғ-мой маҳсулотларини ушлаб қолишга мўлжалланган самарадорлиги юқори бўлган махсус маиший тозалаш иншооти (ёғ-мой ушлагич) билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқ бўлади;

- коммуникация ва вентиляция мосламларини соз ҳолда тутиш, мунтазам равишда техник хизмат кўригидан ўтказиш ишларини доимий равишда амалга ошириши лозим.

**Мазкур хулосада кўрсатилган талаблар бажарилмаса ва юқорида кўрсатилган фаолиятдан ташқари бошқа ёки кўшимча фаолият турлари ташкил этилганда ушбу давлат экологик экспертиза хулосаси ўз юридик кучини йўқотади.**

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига биноан, мазкур фаолиятни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисидаги давлат экологик экспертизасининг хулосаси **рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ҳисобланмайди.**

Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирларини экологик жиҳатдан баҳолашдан иборат ва **ушбу фаолиятнинг қонунчиликда белгиланган бошқа рухсат этувчи ҳужжатларини олиш заруриятдан озод этмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмининг янада такомиллаштириш тўғрисида” 07.09.2020 йилдаги 541-сонли Қарори 26-банди 4-хатбошисига биноан экологик экспертиза хулосасини олиш мақсадида тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун **буюртмачи жавобгар ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.09.2020 йилдаги 541-сон қарорининг 6 ва 7-боблари, 43, 53 ва 57-бандларига мувофиқ, Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати **уч йил этиб белгиланган.** Шу билан бирга, агар экспертиза объекти давлат экологик экспертизасининг хулосаси берилган

кундан бошлаб уч йил мобайнида реализация қилинмаса, давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси **юримдик кучга эга бўлмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг 2-иловаси, 3-боб, 23б-бандига асосан, фаолият кўрсатаётган объект реконструкция, модернизация қилинган, қайта ташкил этилган, кенгайтирилган ёки жойлашуви ўзгартирилган тақдирда атроф-муҳитга таъсири баҳоланади ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги ариза лойиҳаси ишлаб чиқилади ва давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Лойиҳанинг мақбуллиги тўғрисидаги Давлат экологик экспертизасининг хулосаси қонунда белгиланган тартибда давлат идоралари ва ташкилотлардан тегишли рухсатномаларни олиш заруратини алмаштирмайди ёки бекор қилмайди.

**Тошкент шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг Чилонзор тумани инспекциясига “RESPECTABLE UNITED SERVICE” масъулияти чекланган жамияти томонидан экологик қонунлари ва меъёрларига риоя этилиши устидан мунтазам назорат ҳамда объектни тўлиқ ишга туширишдан олдин экологик оқибатлар тўғрисида баёнотини ишлаб чиқилишини назоратга олиши юклатилади. Асосий эътиборни мазкур объект ташкил этилишида ҳамда унинг кейинги иш фаолиятида объектда мавжуд дарахтлар ва буталарга шикаст етказилмаслигини ва ноқонуний кесиб ташланмаслигини назоратга олиш юклатилади.**

**Атроф-муҳитга таъсирини баҳолашнинг яқуний босқичи экологик оқибатлар тўғрисида баёноти тасдиқланмагунча объект иш фаолиятига йўл қўйилмасин.**



Ma'sul ekspert: DAYANOVA YULDUZ MUSTAFAYEVNA

## Obyekt haqida qisqacha ma'lumot

“Давлат экологик экспертизаси маркази” Тошкент шаҳар филиалига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Кўркам” МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 7а-уй худудида “RESPECTABLE UNITED SERVICE” масъулияти чекланган жамияти томонидан маданият ва истироҳат боғини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳаси кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, “Давлат экологик экспертизаси маркази” Тошкент шаҳар филиали куйидагиларни таъкидлайди.

Лойиҳалаштирилаётган объект жойлашган ер майдонининг географик жойлашуви жиҳатидан координаталари куйидагича:

- 1.41.286626 шимолий кенглик ва 69.215908 шарқий узунлик;
2. 41.287263 шимолий кенглик ва 69.216573 шарқий узунлик;
3. 41.28794 шимолий кенглик ва 69.215586 шарқий узунлик;
4. 41.288778 шимолий кенглик ва 69.216455 шарқий узунлик;
5. 41.289133 шимолий кенглик ва 69.216187 шарқий узунлик;
6. 41.288762 шимолий кенглик ва 69.215521 шарқий узунлик;
7. 41.288561 шимолий кенглик ва 69.215758 шарқий узунлик;
8. 41.287473 шимолий кенглик ва 69.214394 шарқий узунлик;
9. 41.287166 шимолий кенглик ва 69.214588 шарқий узунлик;
10. 41.287344 шимолий кенглик ва 69.214942 шарқий узунлик.

Объект худуди шимолдан – автомобил йўли, сўнгра вилоят касалхонаси, шарқдан – Бунёдкор шоҳ кўчаси, жануб ва ғарб томонлардан – аҳоли турар-жой бинолари билан чегараланган. Энг яқин аҳоли турар уй-жой бинолари объект чегарасидан ғарб томонида 15 метр масофада жойлашган.

Лойиҳага объект яқин атрофида яшайдиган фуқаролар иштирокидаги “Кўркам” маҳалла фуқаролар йиғинининг жамоат эшитув баённомаси илова қилинган, унга кўра объектга яқин жойлашган аҳоли ушбу худудда мазкур объект ташкил этилишига эътирозлар йўқлиги қайд этилган.

Объект жойлаштирилиши режалаштирилган худуднинг физик-географик ва иқлим ҳолати хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисида баёнот” лойиҳасида келтирилган. Объект жойлашган худудда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига таъсир қиладиган асосий манбаларга автотранспорт воситалари, саноат ва энергетика объектлари киради. Улардан атмосфера ҳавосига ноорганик чанг, углерод оксиди, азот оксиди, углеводородлар ва ёқилги ёниш маҳсулотлари ташламалари чиқарилади.

Объект яқинида оқиб ўтадиган йирик очиқ сув ҳавзалари мавжуд эмас. Гидрогеологик нуқтаи назардан, ер ости сувлари 3-8 метр чуқурликда жойлашган.

Лойиҳада келтирилган маълумотлар ва илова қилинган ҳужжатларга кўра, мазкур объект мавжуд бино ва иншоотларда ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, ҳудуддаги мавжуд бўлган ўсимлик дунёсига таъсири кузатилмайди.

Шу билан бирга лойиҳага буюртмачи корхона раҳбари томонидан тасдиқланган қафолат хат илова қилинган. Ушбу хатда, мазкур объект ҳудудида қурилиш ишлари амалга оширилмаслиги ҳамда ташкилий ишлар мавжуд бино ва иншоотларда олиб борилиши келтирилган, шунингдек ташкилий ишларни олиб бориш даврида ҳудудда мавжуд бўлган дарахтларга шикаст етказмаслик қафолатланган.

Дарахт ва буталар парваришга безътиборсизлик оқибатида қуриш ҳолатига келиб қолганда, Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 198-моддасига асосан, жавобгарлик назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 464-сонли қарорига асосан ҳар бир ноқонуний кесилган ва қуриб қолган дарахт учун етказилган зарар ҳисобланади ва айибдор шахсдан мавжуд қонунчиликга асосан ундирилади.

Юридик шахсларга тегишли бўлган ёки ўзларига бириктирилган ҳудудларда дарахтларни муҳофаза қилиш ва сақлашга доир қонунчиликда белгиланган чораларни кўрмаганлик, ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197-моддаси 6-қисми “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шунингдек, унинг кўрсатмаларини бажармаслик” деб кўрсатилган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилишга сабаб бўлиши маълум қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПФ-46-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2020 йилдаги 93-сонли “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига биноан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий муддатсиз даврга узайтирилганлиги сабабли, ҳудудда мавжуд дарахтлар ва буталарга шикаст етказиш, уларни кесиш қатъиян ман этилади ва Қонунчиликда кўрсатилган моддалар билан жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.**

Мазкур давлат экологик экспертизаси хулосаси дарахтларни кесиш учун рухсатнома бўлиб ҳисобланмайди. Дарахтларни кесиш ёки буталаш учун белгиланган тартибда Тошкент шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг рухсатномаси олиниши зарур.

Объект жойлашган ҳудудда барча шаҳар муҳандислик-техник коммуникация тизимлари (ичимлик ва оқава сув, электр таъминоти тармоқлари

ва бошқалар) мавжуд бўлиб, улар мутасадди корхоналарнинг рухсатномалари (техник шарт) асосида уланиши кўзда тутилган.

Лойихага биноан, мазкур объект учун ажратилган умумий ер майдони – 22000,0 м<sup>2</sup> бўлиб, шундан, бино ва иншоотлар остидаги майдон – 2374,5 м<sup>2</sup>ни ташкил этади, қолган ҳудудда қаттиқ қопламали (12996,89 м<sup>2</sup>) ва яшил экинли (6628,61 м<sup>2</sup>) майдонлар ташкил этилиши режалаштирилган. Объект мавжуд бино ва иншоотларда ташкил этиладиган бўлиб, унинг ҳудудида янги ёки қўшимча қурилиш ишларини амалга ошириш лойиха ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Лойихага кўра, ажратилган ер майдонида мавжуд бўлган бино ва иншоотларда маданият ва истироҳат боғини (аквапарк) ташкил этиш режалаштирилган. Объект таркибида маъмурий-маиший хона, офис хоналар, сунъий ҳовузлар (бассейнлар), кўнгилочар хонаси, ёрдамчи хоналар (гардероб, эркаклар ва айёллар учун кийимни алмаштириш хоналари) (1 ва 2-сонли блок), маъмурий-маиший хоналар, конференция заллари ва офис хоналари (3, 4, 5 ва 8-сонли блок), ошхона ва овқатланиш хонаси (6 ва 11-сонли блок), насос хонаси (7 ва 10-сонли блок), санитария тармоқлари (9-сонли блок) ташкил этилиши назарда тутилган. Мазкур маданият ва истироҳат боғи (аквапарк) 350 кишига мўлжалланган.

Объектда фаолият юритадиган ходимларнинг умумий сони 50 кишини ташкил этади. Иш тартиби кунига 8 соат, йилига 150 кундан белгиланган.

Объект хоналарида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти электр сув иситиш қозонлари, ошхонада таом тайёрлаш ишлари эса электр плиталар ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Лойихага биноан, объектнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалари мавжуд эмас. Объект ҳудудида ёниш мосламаларида (табiiй газ, кўмир ва бошқалар) ишлайдиган иситиш, иссиқ сув ва бошқа қозонларни ўрнатиш лойихада кўзда тутилмаган.

Объектнинг хўжалик-ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжларни қоплаш учун сув таъминотини марказлашган ичимлик сув тармоғидан амалга ошириш режалаштирилган. Ҳудудга сув сепиш ва яшил экинли майдонларни суғориш эҳтиёжлари учун объект яқинидан ўтган ариқ сувидан фойдаланилади. Объект бўйича умумий сув сарфи кунига 143,349 м<sup>3</sup>ни, йилига эса 21502,373 м<sup>3</sup>ни ташкил этади, шундан хўжалик-маиший ва хўжалик-ичимлик эҳтиёжлари учун кунига 111,636 м<sup>3</sup>, йилига эса 16745,4 м<sup>3</sup>ни ташкил этади.

Ҳосил бўладиган хўжалик-маиший оқава сувлари (кунига 101,136 м<sup>3</sup>, йилига 15170,4 м<sup>3</sup>) ички қувурлар орқали марказлашган канализация тармоғига ташланади. Очиқ сув ҳавзалардан сув истеъмол қилиш ва уларга сув оқизиб юбориш лойиха ҳужжатида назарда тутилмаган.

**Лойиха ҳужжатларига мазкур объект фаолиятини амалга ошириши учун “Тошкент шаҳар сув таъминоти” акциядорлик жамияти билан**

**тузилган III гуруҳ истеъмолчиларига ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш бўйича 261476-сонли шартномаси илова қилинган.**

Объект хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижаларига кўра, объект ишга туширилгандан сўнг, куйидаги хўжалик-маиший ва истеъмол чиқиндиларининг ҳосил бўлиши аниқланган:

- 1) ишдан чиққан диодли лампалар – 0,02 т/йил (хавфлилик бўйича IV синф);
- 2) озиқ-овқат чиқиндилари – 42,0 т/йил (хавфлилик бўйича V синф);
- 3) қаттиқ маиший чиқиндилар – 83,0 т/йил (хавфлилик бўйича IV синф);
- 4) ҳудудни тозалашдан ҳосил бўладиган чиқиндилар – 273,652 т/йил (хавфлилик бўйича IV синф);

Лойиҳада барча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш манбалари ёритилиб, уларнинг йиллик миқдори, меъёрлари ҳисоб-китоби ва қайта ишлаш ёки олиб чиқиш йўллари келтирилган.

**Ҳар бир чиқинди тури учун уни вақтинча сақлаш жойларини ва уларнинг кейинги ҳаракатлари экологик тадбирларини кўриб чиқиш ҳамда чиқинди контейнерларини ўрнатиш учун махсус бетонланган майдонни ташкил этиш шарт. Барча чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқишнинг белгиланган шартлари бажарилганда атроф-муҳитга зарар келтирмайди.**

**Лойиҳа ҳужжатларига объект фаолияти даврида ҳосил бўладиган чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш бўйича “Чилонзор-Махсустрас” АТФ билан расмийлаштирилган 70035-сонли шартнома ҳужжатлари илова қилинган.**

Лойиҳа ҳужжатида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатлар, ёнғин хавфсизлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Экологик экспертизанинг таҳлилий натижаларига кўра, кўриб чиқиш учун тақдим қилинган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” лойиҳа ҳужжатлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертизаси тўғрисида”ги қонуни, Низом ҳамда қонуности экологик меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар давлат экологик экспертизаси, “RESPECTABLE UNITED SERVICE” масъулияти чекланган жамияти томонидан, атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг белгиланган меъёрдан (квота) ошмаслигини, очиқ сув ҳавзаларига оқова сувларни ташланмаслигини, танланган ер майдонида ҳудуддаги мавжуд экологик ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмаслигини инобатга олиб, ушбу ҳудудда мазкур объект ташкил этилишига экологик нуқтаи назардан эътироз билдирмайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, “Давлат экологик экспертизаси маркази” Тошкент шаҳар филиали Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Кўркам” МФЙ, Бунёдкор кўчаси, 7а-уй ҳудудида “RESPECTABLE UNITED SERVICE” масъулияти чекланган жамияти томонидан маданият ва истироҳат боғини ташкил этиш учун ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот” (АМТТБ) лойиҳасини **мазкур хулосада келтирилган талабларни бажариш шarti билан маъқуллайди.**



Ма'сul ekspert: DAYANOVA YULDUZ MUSTAFAYEVNA